

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
06.02.2014 й.
№ ПҚ-2124

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда - Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.
2. Дастур ижросини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Республика ишчи гуруҳи (Ш.М. Мирзиёев):
Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига Дастур ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борсин.
4. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурда кўрсатилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.
5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларига Дастур тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.
6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2014 йил 6 февралдаги
ПҚ-2124-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга
оид давлат сиёсатини амалга оширишга
қаратилган қўшимча чора-тадбирлар
ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаолиятини ошириш				
1.	"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Масъул ташкилот вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиш, ушбу йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш, жойларда муҳокама этиш ва мутасадди ташкилотлар билан келишиш.</p> <p>3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>I чорак</p> <p>II-III чорак</p> <p>IV чорак</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ), тегишли вазирлик ва идоралар</p>
2.	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибидаги "Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар" фаолиятини самарали ташкил этиш.	<p>1. Комиссиялар фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Комиссия раислари учун ҳудудий ўқувлар ташкил этиш, уларни тегишли низом ва услубий қўлланмалар билан</p>	<p>I чорак</p> <p>II чорак</p>	<p>"Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ФЖШМҚМИ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ЁИХ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

	таъминлаш.		
	3. Амалга оширилган тадбирлар юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш.	Июль, декабрь	
3. Ўзбекистон Республикасида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этишга қаратилган "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" тарғибот лойиҳасини амалга ошириш.	1. Ҳар бир йўналиш бўйича тарғибот материаллари (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш. 2. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш, тарғибот материаллари билан таъминлаш. 3. Тарғибот тадбирларини барча олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш.	Февраль-март Март Йил давомида	Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, ФЖШМҚМИ
4. Ёшларни давлат ҳокимияти (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари ҳамда ушбу идораларнинг куйи тизимларида туркум учрашувларни ташкил этиш.	1. Ҳамкор ташкилотлар ўртасида қўшма қарор имзолаш, давлат ҳокимияти органларидаги учрашувларнинг намунавий сценарийси ва дастурини тайёрлаш. 2. Учрашувлар режа-жадвалини ва масъул ташкилот вакиллари рўйхатини тасдиқлаш. 3. Давлат ҳокимияти органларида умумтаълим мактаблари, академик лицейи ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар ва маҳаллалардаги ёшлар учун учрашувларни режа асосида ташкил этиш.	Февраль Март Йил давомида	"Камолот" ЁИХ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

<p>5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" тарғибот лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш. 2. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш, улар учун ўқув-семинар ташкил қилиш, тарғибот материаллари билан таъминлаш. 3. Тарғибот ишларини режа асосида барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш.</p>	<p>Сентябрь Октябрь Ноябрь-декабрь</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
<p>6. "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчиларининг ҳудудий семинарлари, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловлари ва республика форумларини ўтказиш.</p>	<p>1. Ҳудудий семинарлар, кўрик-танловлар ва республика форумларининг режа ва дастурларини тасдиқлаш. 2. Семинар, кўрик-танлов ва республика форумларини ўтказиш, жумладан: - умумтаълим мактаблари бошланғич ташкилот етакчилари учун; - ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари учун; - олий таълим муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари учун; - корхона, муассаса ва ташкилотлар бошланғич ташкилот етакчилари учун.</p>	<p>Февраль-март III чорак III чорак IV чорак IV чорак</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ФЖШМҚМИ, тегишли корхона, муассаса ва ташкилотлар</p>
<p>7. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида "Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловини ташкил этиш.</p>	<p>1. Танловнинг республика ишчи гуруҳини шакллантириш, низом ва чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. ОАВда танловни кенг тарғиб қилиш, иштирок этадиган жамоалар рўйхатини шакллантириш. 3. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш. 4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>Февраль Март Апрель Май</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ЁИХ</p>

8. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган "Сиз қонунни биласизми?" республика танловини ўтказиш.	1. Танловнинг республика ишчи гуруҳини шакллантириш, чоратадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. ОАВда танловни кенг тарғиб қилиш, иштирок этадиган жамоалар рўйхатини шакллантириш. 3. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш. 4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.	Февраль Март Апрель Май	Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Камолот" ЁИХ, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
9. Олий таълим муассасалари талабаларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Тафаккур синовлари" республика танловини ўтказиш.	1. Танловнинг республика ишчи гуруҳини шакллантириш ва чоратадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. ОАВда танловни кенг тарғиб қилиш, иштирок этадиган жамоалар рўйхатини шакллантириш. 3. Танловнинг ҳудудий босқичини ўтказиш. 4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.	Февраль Март-апрель Май Ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, "Камолот" ЁИХ, ФЖШМҚМИ
<p>II. Юқсак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш</p>			
10. Республиканинг барча ҳудудларида фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг ганиқли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиш.	1. Фестиваль дастури ва режасини ишлаб чиқиш. "Камолот" ЁИХ Васийлик Кенгашининг тегишли қарорини қабул қилиш. 2. Ёшлар фестивалларини барча ҳудудларда ўтказиш. 3. Фестиваллар якуни бўйича ҳудудлар кесимида таҳлилий маълумот тайёрлаш.	Февраль-март Йил давомида Декабрь	"Камолот" ЁИХ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган маънавий-	1. Ишчи гуруҳни тузиш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида олиб борилаётган маънавий-	I чорак	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича

	маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	маърифий ва тарбиявий ишларни таҳлилий ўрганиш. 2. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган чора-тадбирлар режасини амалга ошириш юзасидан мониторинг олиб бориш ва маълумот тайёрлаш.	Апрель Ҳар чорак якунида	комиссия, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Камолот" ЁИХ, ФЖШМҚМИ
12	"Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилишни нг долзарб масалалари" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.	1. Ишчи гуруҳни тузиш, конференция концепцияси, чора-тадбирлар режаси ва дастурини тасдиқлаш. ОАВда эълон қилиш. 2. Илмий мақолалар танловини ўтказиш ва конференция иштирокчилари рўйхатини шакллантириш. 3. Конференцияни Фарғона шаҳрида ўтказиш ва мақолалар тўпламини нашр этиш.	Март Май Июль	Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ЁИХ, Фарғона вилояти ҳокимлиги
13	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва иш режасини тасдиқлаш. 2. Ўқувчиларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини ўрганиб чиқиш ва таҳлилий маълумот тайёрлаш. 3. Чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4. Тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижросини мониторинг қилиш.	Февраль Март Июнь Йил давомида	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, "Ватанпарвар" ташкилоти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14	Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар кўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.	Февраль	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Мудофаа вазирлиги, "Камолот" ЁИХ,

	мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий қисмларига экскурсияларни ташкил қилиш.	2. Худудларда ўқувчи-ёшларнинг ҳарбий қисмларга экскурсияларини ташкил этиш, уларни ҳарбий техника намуналари ва ҳарбийлар ҳаёт тарзи билан таништириш.	Йил давомида	"Ватанпарвар" ташкилоти
15	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Ёш чегарачи" мусобақаларини ўтказиш.	1. Ишчи гуруҳини шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Мусобақанинг туман (шаҳар) ва худудий босқичларини ўтказиш. 3. Мусобақанинг республика босқичини ўтказиш.	Февраль Март Апрель	МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, "Камолот" ЁИХ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Ватанпарвар" ташкилоти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
16	Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида видеороликлар танловини ўтказиш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш. 2. Танловни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, видеороликларни танлаш ва "Камолот" ЁИХ Интернет-сайтига жойлаштириш. 3. Видеороликларни Интернет орқали (овоз бериш йўли билан) баҳолашни ташкил этиш. 4. Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш.	Февраль Йил давомида Октябрь Ноябрь	"Камолот" ЁИХ, "Ўзбектуризм" компанияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси (МТРК), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази
17	Ёшлар ўртасида қуйидаги мавзуларда социологик тадқиқотлар ўтказиш: - "Ёшлар ва ахлоқий кадриятлар"; - "Ёшлар ва оила"; - "Ёшлар ва ижтимоий фаоллик"; - "Ёшлар ва таълим"; - "Ёшлар ва китобхонлик".	1. Социологик тадқиқотларни ўтказиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш. 2. Режа асосида сўровларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш.	Февраль Йил давомида	"Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Камолот" ЁИХ
18	Ёш авлоднинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш мақсадида истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, сув ҳавзалари ва бошқа жамоат жойларини озода сақлашга қаратилган	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.	Март	Ўзбекистон экологик ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

	экологик лойиҳани амалга ошириш.	2. Туман ва шаҳарларда ёшлардан иборат ташаббускор гуруҳларни шакллантириш ва жойларда экологик тадбирларни амалга ошириш.	Йил давом ида	Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
19	Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, тарих, маданият ва маънавият соҳаларидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Музейлар - бой тарихимиз ва бетақдор маданиятимиз хазинаси" мавзусида музейлар ойлигини ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Музейларни тадбирга тайёрлаш ва ОАВ орқали тарғиб қилиш. 3. Режа асосида ёшлар учун музейлар ойлигини ташкил этиш.	Март Апрел Май	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<p>III. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш</p>				
20	Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига жалб қилиш мақсадида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. "Бунёдкор" ЁМХ учун меҳнат объектлари рўйхатини тасдиқлаш, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этиш. 3. "Бунёдкор" ЁМХни ОАВ орқали кенг тарғиб этиш. 4. "Бунёдкор" ЁМХга олий таълим муассасалари талабалари ва маҳаллалардаги ёшларни жалб этиш.	Февраль Март Йил давом ида Йил давом ида	"Камолот" ЁИХ, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
21	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш, ўқишини давом эттириш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Таълим ва мутахассислик" кўرғазмаларини ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Кўрғазма иштирокчилари рўйхатини шакллантириш. 3. Кўрғазмани Тошкент шаҳри ва барча ҳудуд марказларида ташкил этиш.	Февраль Февраль Йил давом ида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ЁИХ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

22	<p>Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган "Менинг бизнес ғоям" лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, низоми, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Лойиҳани ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш. 3. Лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичини ўтказиш. 4. Лойиҳанинг худудий босқичини ўтказиш. 5. Лойиҳанинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>Февраль Февраль-март Март Апрель Июнь</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси, Марказий банк ва тижорат банклари</p>
23	<p>Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган "Ёш тадбиркор - юртга мадаккор" лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, низоми, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Лойиҳани ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш. 3. Лойиҳанинг худудий босқичини ўтказиш. 4. Лойиҳанинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>Февраль I-II чорак Июнь Сентябрь</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Марказий банк ва тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси</p>
24	<p>Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказиш ҳамда "Ёш мутахассислар" республика форумини ташкил этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, низоми, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Турли соҳаларда фаолият юритаётган ёш мутахассислар ўртасида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказиш. 3. Танловнинг ғолиб ва совриндорлари иштирокида "Ёш мутахассислар" республика форумини ташкил этиш.</p>	<p>Февраль II чорак III чорак</p>	<p>Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, "Камолот" ЁИХ</p>

25	<p>Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида барча ҳудудларда ёш тадбиркорлар учун "Бизнес-инкубатор"лар ташкил этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. "Бизнес-инкубатор"лар фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Тадбирлар режаси ижроси юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш.</p>	<p>I чорак</p> <p>Йил давом ида</p> <p>Ҳар чорак якуни бўйича</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
26	<p>"Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўرғазмаларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Лойиҳани ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Лойиҳанинг ҳудудий босқичини ўтказиш.</p> <p>4. Лойиҳанинг республика босқичини ўтказиш.</p> <p>5. Лойиҳа якуни бўйича ёш тадбиркорлар маҳсулотлари электрон каталогини яратиш ва "Камолот" ЁИХ ҳамда Савдо-саноат палатаси Интеруе-т-сайтига жойлаштириш.</p>	<p>I чорак</p> <p>I чорак</p> <p>II чорак</p> <p>Ноябрь</p> <p>Декабрь</p>	<p>Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, "Камолот" ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
27	<p>Олий таълим муассасалари талабаларига банклар томонидан таълим кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, талабаларга таълим кредитлари бериш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Таълим кредитига эҳтиёжи бўлган талабалар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Таълим кредитлари учун тегишли ресурсларни ажратиш.</p>	<p>I чорак</p> <p>Март, сентябрь</p> <p>Йил давом ида</p>	<p>Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тижорат банклари, "Камолот" ЁИХ</p>

28	Тошкент шаҳрида "Республика Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" фаолиятини ташкил этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. "Республика Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" фаолиятини ташкил этиш, ишонч телефони ва махсус веб-сайт фаолиятини йўлга қўйиш. 3. Лойиҳани ОАВ орқали тарғиб қилиш.	Март Апрел Йил давом ида	"Камолот" ЁИХ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Савдо-саноат палатаси
29	"Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни амалга ошириш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Фаол ёшлар, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли намоёндалари иштирокида республиканинг барча "Меҳрибонлик" уйларида маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш.	Март Йил давом ида	Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, "Ўзбекистон Темир йўллари" ДАК, "Ўзбектуризм" компанияси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бадий академия, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
IV. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш				
30	Гурли соҳаларда юқори натижаларга эришган ёшларни "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирлаш. Тантанали тақдирлаш маросими доирасида ўтган йиллар мобайнида ушбу кўкрак нишони билан тақдирланган ёшларнинг республика форумини ўтказиш.	1. Танлов комиссиясини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Кўкрак нишонига номзодлар рўйхатини шакллантириш. 3. Номзодларни ўрганиш ва тақдирланувчилар рўйхатини тасдиқлаш. 4. Тантанали тақдирлаш маросими ва республика форумини ўтказиш.	Март II чорак III чорак Декабрь	"Камолот" ЁИХ, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

31	<p>Фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўтказилган халқаро мусобақа ва танловларда юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига намуна бўлаётган иқтидорли ёшларнинг муваффақиятларини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ziyonet таълим ахборот тармоғида уларнинг маълумотлар базасини яратиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва иш режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Ziyonet таълим ахборот тармоғида халқаро миқёсда ўтказилган мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган ёшларнинг маълумотлар базасини шакллантириш.</p> <p>3. Маълумотлар базасини мунтазам янгилаб бориш.</p> <p>4. Йил якуни бўйича иқтидорли ёшлар тўғрисида таҳлилий маълумот тайёрлаш.</p>	<p>Февраль</p> <p>Март</p> <p>Доимий</p> <p>Декабрь</p>	<p>Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академия, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ЁИХ</p>
32	<p>Ўсиб келаётган авлоднинг маданият ва санъат соҳаларидаги қобилиятларини барвақт аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида 6-14 ёшдаги иқтидорли болаларнинг республика кўрик-танловини ташкил этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Танловнинг туман (шаҳар) босқичини ўтказиш.</p> <p>4. Танловнинг ҳудудий босқичини ўтказиш.</p> <p>5. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>Февраль</p> <p>Март</p> <p>Апрель</p> <p>Май</p> <p>Июнь</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
33	<p>Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, маданият ва санъатга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15-25 ёшдаги иқтидорли ёшларнинг республика кўрик-танловини ташкил этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Танловнинг туман (шаҳар) босқичини ўтказиш.</p> <p>4. Танловнинг ҳудудий босқичини ўтказиш.</p> <p>5. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.</p>	<p>Февраль</p> <p>Март-апрель</p> <p>Май</p> <p>Сентябрь</p> <p>Декабрь</p>	<p>"Камолот" ЁИХ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
34	<p>Ёш ижодкорлар учун "Истеъдод мактаби" республика семинарини ўтказиш ҳамда "Биринчи китобим" лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. "Истеъдод мактаби" республика семинарини ўтказиш.</p>	<p>Апрель</p> <p>Май</p>	<p>Ўзвучилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги</p>

		3. "Биринчи китобим" лойиҳасини амалга ошириш.	Йил давом ида	
35	Ёш олимлар ва талабалар иштирокида "XXI аср - интеллектуал авлод асри" шиори остида ҳудудий ва республика илмий-амалий конференцияларини ўтказиш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва иш режасини тасдиқлаш. 2. Ҳудудий илмий-амалий конференцияларни ўтказиш. 3. Республика конференциясини Бухоро вилоятида ўтказиш ва мақолалар тўпламини нашр этиш.	Февраль-март II-III чорак IV чорак	"Истеъдод" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, "Камолот" ЁИХ, Бухоро вилоят ҳокимлиги
